

Қиёмат куни инсонларнинг энг бўйни узун муаззинлардир

12:05 / 18.11.2019 3129

Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Қиёмат куни инсонларнинг энг бўйни узун муаззинлардир», деганларини эшитдим», дедилар».

Имом Муслим ривоятлари.

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Муаззиннинг овозини эшитган инс ҳам, жин ҳам қиёмат куни унга гувоҳлик беради», дедилар.

Имом Бухорий ривоятлари.

Соҳибларимиз азонми ёки имомлик афзаллиги тўғрисида ихтилоф қилишди. Бу борадаги баҳс тўрт фикрдан иборат бўлди:

- 1) азон айтиш афзал;
- 2) имомлик афзал;
- 3) уларнинг мақомлари бир хил;
- 4) имомлик ҳуқуқини билса, имомлик афзал, билмаса, азон афзал.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан